



RELIGIOUS TOLERANCE-HIGH MORAL CHARACTER

Hamida Abdumajidova

senior lecturer

Samarkand State Medical University

Uzbekistan, Samarkand

ABOUT ARTICLE

Key words: religion, religious tolerance, interethnic harmony, confession, freedom of conscience, moturidia doctrine.

Received: 10.05.25**Accepted:** 12.05.25**Published:** 14.05.25

Abstract: The article highlights the historical development and current state of religious tolerance, the role of religious tolerance in ensuring peace, stability and mutual respect in society, as well as the issues of developing dialogue and cooperation between representatives of different religions, and the role and importance of this phenomenon in the education of young people in raising high moral qualities.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК - ЮКСАК АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТ

Ҳамида Абдумажидова

катта ўқитувчи

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети

Ўзбекистон, Самарқанд

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: дин, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, конфессия, виждон эркинлиги, мотуридия таълимоти.

Аннотация: Мақолада диний бағрикенгликни тарихий ривожланиши ва ҳозирги ҳолати, диний бағрикенгликнинг жамиятда тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ҳурматни таъминлашдаги роли, шунингдек, турли дин вакиллари ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳамда ушбу ҳодисани ёшлар тарбиясида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган.

РЕЛИГИОЗНАЯ ТЕРПИМОСТЬ - ВЫСОКИЙ МОРАЛЬНЫЙ ОБЛИК

*Хамида Абдумажидова**старший преподаватель**Самаркандский государственный медицинский университет**Узбекистан, Самарканд*

О СТАТЬЕ

Ключевые	слова:	религия, религиозная межнациональное вероисповедание, доктрина мотуридии.	Аннотация:	В статье освещается историческое развитие и современное состояние религиозной толерантности, роль религиозной толерантности в обеспечении мира, стабильности и взаимного уважения в обществе, а также вопросы развития диалога и сотрудничества между представителями разных религий, а также роль и значение этого явления в воспитании молодежи. людей в воспитании высоких моральных качеств.
-----------------	---------------	---	-------------------	--

КИРИШ

Дин азалдан инсон маънавиятини таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоида шаклларида мустаҳкамлаиб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Қуръони Каримда “дин” турли маъноларда 100 дан ортиқ маротаба ишлатилган.

Мамлакатимизда турли динларга эътиқод қиладиган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Жумладан, фуқаролар ўз диний маросимларини ўтказиши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. 1998 йили 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилинганлиги ва ушбу қонунда виждон эркинлиги ҳамда ҳар бир кишининг эркин эътиқод қилиш ҳуқуқлари ўз аксини топган.

АСОСИЙ ҚИСМ

2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида 16 та конфессияга мансуб 2 350 та диний ташкилот фаолият юритмоқда, шулардан 2 153 та мусулмон, 179 та христиан, 8 та яҳудий, 7 та баҳойий жамоалари, Кришнани англаш жамияти, Будда ибодатхонаси ва Ўзбекистон Библия жамияти[1].

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов шундай деб ёзади: “Муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзодни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни

аждодлардан авлодларга етказишда бекиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ”. Демак, ислом дини билан бир қаторда дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, у ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби бир қанча эзгу фазилатларга таянади. Инсонларни меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенгликка даъват этади.

АҚШнинг собиқ президенти Жорж Буш бутун дунё мусулмонларига Рамазон ойи муносабати билан йўллаган табригида: “... Америка халқи шаклланишида турли дин вакиллари катта роль ўйнади. Ислом-тинчликсевар дин. Мусулмонлар бизнинг жамиятимиз ва дунё ҳамжамияти ривожига катта ҳисса қўшди. Барча америкаликлар сингари биз ҳам эътиқод эркинлигини ҳурмат қиламиз. Биз барча дин вакиллари бирдай эътироф этамиз. Биз озодлик ва ўзаро муносабатлар гуллаб-яшнаши учун ҳамкорлик қиларканмиз, бу билан ўз порлоқ келажагимиз пойдеворини мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшамиз”[2].

Диний бағрикенглик ғояси хилма хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда буюк ғоя ва ниятлар йўлида ҳамжиҳат, ҳамкор бўлиб яшашини, фаолиятини англатади. Азал-азалдан диёримизда ислом, насронийлик, яҳудийлик каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогалар мавжуд бўлиб, турли миллат ва динга мансуб бўлган қавмлар ўз диний амалларини эркин адо этиб келган. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний можаролар бўлмаган ҳалқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида катта тажрибага эга эканлигидан далолат беради.

Диний бағрикенгликнинг устуворлигига эришишда диний ташкилотларнинг мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида фаолият олиб боришнинг ўзига хос ўрни бор. Хусусан, яширин диний фаолиятга йўл қўйилмаслиги турли кўринишлардаги мутаассиблик ва экстремизмнинг олдини олишга, конфессиялар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат, тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек диндан, давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларини издан чиқаришга қаратилган, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ва бошқа шунга ўхшаш хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўймаслик ҳам ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ёш авлоднинг таълим-тарбияси, унинг одоб ахлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикрлар, мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, диний бағрикенглик билан боғлиқ қадриятларни буюк аллома, мотуридия йўналишининг асосчиси Самарқандда яшаб ижод этган Абу Мансур Мотуридийнинг (870-944) асарларида баён этилган. Улар: “Таъвилот

аҳлис-сунна”, “Китоб ат-тавҳид”, “Рисола фил-ақида”, “Рисола фил-иймон”, “ал-Мақолат”, “Китоб ал-жадал” ва бошқалар. Мотрудийнинг Қуръон тафсирига бағишланган, ислом оламида жуда кенг танилган “Таъвилот аҳлис-сунна” асарида “Хаж” сураи 40-оят тафсирида: “Черков ва синагогаларни вайрон этиш ман этилади. Шунинг учун ҳам, муслмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. Бу масалада аҳли илм орасида ихтилоф йўқдир”, деб қатъий таъкидлайди. Самарқандлик яна бир фақиҳ, муфассир Абу Лайс ас-Самарқандий (ваф.1310) эса ўзининг “Баҳр ал-улум” номли тафсир китобида Қуръондаги “Мумтаҳана” сурасининг 8-9 оятлари шарҳида “Сизлар билан динда уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомала қилинг” деб ёзади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида: ушбу анжуманнинг “Таълим ва маърифат - тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” мавзуси асосий ғоя этиб белгиланганлиги чуқур рамзий маънога эга эканлигини таъкидлади. Бу ғоя “Бешиқдан қабргача илм изла” деган машҳур ҳадисга ҳамоҳангдир.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

“Таълим ва маърифат- тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” шиори Ислом ҳамкорлик ташкилотининг бугунги анжуманни мавзуси этиб белгилангани бежис эмас.

Негаки, мазкур анжуман сизу бизнинг буюк аجدодларимиз киндик қони тўкилган Ўзбекистон заминида бўлиб ўтмоқда.

Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айнаи вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган[3].

Х асрда яшаган мутафаккир “Имом ал-Ҳуда” (Ҳидоят йўлининг имоми) деб шуҳрат қозонган Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган мотуридия таълимоти бутун ислом оламида кенг тарқалган.

Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу ўз навбатида ушбу

навбатида ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Бундай ғояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда[4].

2017 йил 19 сентябрда Давлатимиз Раҳбари куни БМТ Бош Ассамблесининг 72-сессиясида халқаро ҳамжамиятга: “Биз муқаддас динимизнинг азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз”, - деб мурожаат қилди[5].

Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тарққиётни таъминлашнинг устувор йўналиши - экстремистик ғояларга қарши қатъий курашишдан иборатдир. Кўпинча ҳаётга энди қадам қўяётган ёшлар унинг таъсирига тушиб қолмоқда. Марказий Осиё халқлари аҳолиси 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра 80 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади, шундан қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади ва бу дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Давлатимиз раҳбари БМТга аъзо давлатларга БМТ Бош Ассамблеянинг яқинда Нью-Йоркда бўлиб ўтган сессиясида “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифини билдирди. Ушбу резолюция мамлакатимизда қарор топган бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик каби вазифаларни халқаро миқёсида амалга ошириш зарурлигини кун тартибидаги асосий масала сифатида қайд этди.

2017 йил 10 сентябрь куни Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида билдирган фикр-мулоҳазалари Ўзбекистонда диний соҳадаги сиёсат барқарор ва изчил бораётганини ифодалаб берди. 2017 йилнинг 10-11 ноябрь кунлари қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида ўтган халқаро конференцияда мамлакатимиз Президенти “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда нутқ сўзлаб, минтақада барқарорликни таъминлаш учун Ўзбекистон давлати амалий ҳамкорликка тайёрлиги ва унга астойдил интилиши, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва қафолати эканлигини таъкидлади. Минтақамиз ёшларининг муносиб келажagini таъминлаш учун муҳим ва зарур бўлган аниқ вазифалар ҳақида тўхталди. Жумладан, минтақамиздаги барча мамлакатлар терроризм, диний экстремизм,

трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига ҳамжиҳатликда курашишни биргаликда амалга ошириш ва бу йўлда самарали ҳамкорлик механизмларни таъминлаш зарурлигини айтди[6].

ХУЛОСА

Юқоридаги ташаббусларни Марказий Осиёнинг барча мамалакатлари қўллаб-қувватлагани ёшлар ўртасида радикал қарашлар тарқалишининг олдини олиш, тўғри йўлдан адашганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтаришга тайёрлигимизнинг амалдаги яққол ифодаси сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тожиев Ф., Туремуратов С., Мустафоев М., Ражабоев Д. Дин ва қонунчилик: нормалар, ҳукукий асослар (услубий қўлланма). “Адолат” миллий ҳукукий ахборот маркази. -Т., 2024. – Б.56.
2. Халқ сўзи газетаси, 2008 йил 25 август, №152.
3. Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2018. -Б.27 -28.
4. Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2018. -Б.29.
5. Ориф Аюпов, Дунё сиёсат жамият. Қайта тўлдирилган 8-нашр, Гулистон, 2018. - Б.22.
6. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 11 ноябрь, № 228.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, Адолат, 2017.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 2017 йил 11 ноябрь, №228.
4. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т., Маънавият, 2008.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: ЎМЭ, 2003, 6-жилд.
6. Қурбон Али Жуманиёз Ортиқ ўғли “Маънавиятнинг етти хазинаси” Т. “Шарқ”, 2013.
7. Ҳасанбоев Ўткир Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари”. -Т., “ТИУ” нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2014.
9. Тулепов Айдарбек. ИШИД фитнаси. -Т.: Мовароуннахр, 2015 йил.

10. Hamida A. PHILOSOPHICAL AND METHODOLOGICAL ISSUES OF THE PARADIGMAL APPROACH TO THE CONCEPT OF MODERNIZATION //Archive of Conferences. - 2020. - Т. 10. - №. 1. - С.15-18.

12. Фазлиддинов Ж., Абдумажидова Х. Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг фаоллашуви ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар// Таълим ва ривожланиш таҳлили онлайн илмий журнали, 2022. -Б. 69-74.

13. Abdumajidova Kh. Globalization and modernization as an important feature of the development of modern society // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science-Philadelphiya Quest. – USA, 2021. - № 4. - P.75-78 (№23; SJIF: 6.161).

14. Abdumajidova H. Markaziy Osiyo mamlakatlari modernizatsiyalashuvining ijtimoiy-siyosiy munosabatlar faollashuviga ta'siri // QarDU xabarlari ilmiy-nazariy uslubiy jurnal. – Qashqadaryo, 2023. - №4/2(60) –Б. 90-93. (09.00.00; № 18).